“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишида
11 июль 2014 йил
68 - сонли баён билан

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:
2016 йил 29 июндаги 73-сонли баён
2018 йил 21 сентябрдаги 76-сонли баён
2019 йил 7 январдаги 77-сонли баён
2019 йил 26 июндаги 78-сонли баён
2021 йил 29 июндаги 80-сонли баён
2023 йил 23 майдаги 85-сонли баён
2024 йил 26 июндаги 87-сонли баён

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилишининг фаолият тартибини, ваколатини, шунингдек уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ЎзРВБнинг юқори бошқарув органидир.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

4. ЎзРВБ ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг 10 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади. Зарурат бўлганда, ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларни қонунчиликда

белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ушбу бандда белгиланган муддатгача ўтказиш мумкин.

5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ЎзРВБнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ЎзРВБнинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг ЎзРВБни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг ҳисоботларида ЎзРВБ фаолиятининг бизнес-режа ва ҳақиқатдаги кўрсаткичларини таққослаш натижалари, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилмаслик сабаблари таҳлили (агарда, шунақа ҳолатлар мавжуд бўлса) ифодаланади, шунингдек, ривожланиш стратегиясини бажариш бўйича амалга оширилган тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан ахборотлар акс эттирилади.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8. ЎзРВБ акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

9. Акциядорлар йиғилиши унда эллик фоиздан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

10. ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) ЎзРВБ Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (ЎзРВБнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар бундан мустасно) ёки ЎзРВБнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

б) ЎзРВБни қайта ташкил этиш;

в) ЎзРВБни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) ЎзРВБнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) ЎзРВБнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) ЎзРВБ тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) ЎзРВБнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек ЎзРВБ фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ЎзРВБни ўрта муддатга ва узоқ

муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

л) ЎзРВБнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) ЎзРВБ Кузатув кенгаши тавсияси, шунингдек молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосасига асосан молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) ЎзРВБ Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ЎзРВБ Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

о) ЎзРВБнинг бошқарув органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни ҳамда ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини ва ички назорат органи (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини тасдиқлаш;

п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р[1]) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ЎзРВБ томонидан йирик битим ва ЎзРВБнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

у) бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг ЎзРВБ ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) Ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун ЎзРВБнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини муҳокама қилиш;

х) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ц) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ч) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ш) Ижроия органи, шунингдек, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, аудиторлик ташкилоти вакилларининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишини таъминлаш;

э) ЎзРВБнинг мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик, ЎзРВБ устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этиш;

ю) ЎзРВБнинг мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексида назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

я) қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ (ЙИЛЛИК) УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

11. Акциядорларнинг (йиллик) умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни ЎзРВБ Кузатув кенгаши амалга оширади. ЎзРВБ Кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ЎзРВБ акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун ЎзРВБ акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матнини;

Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни.

12. ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар (1-илова) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ЎзРВБнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

ЎзРВБ акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

акциядорларнинг умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

акциядорларни умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

14. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) ЎзРВБнинг йиллик ҳисоботи, ЎзРВБнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш

натижалари юзасидан ЎзРВБ тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, ЎзРВБ уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки ЎзРВБнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

15. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

16. ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар (2-илова) ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар ЎзРВБнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

17. Акциядорлар ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

18. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

19. ЎзРВБ Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод ЎзРВБнинг акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

20. ЎзРВБ Кузатув кенгаши тушган таклифларни мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

21. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар ЎзРВБнинг Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган миқдордаги ЎзРВБнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

22. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига ёки номзодни ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай юборилади.

23. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига ёки номзодни ЎзРВБ кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

IV. АКЦИЯДОЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

24. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, ЎзРВБ тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида (3-илова) ўтказилади.

25. Акциядорларга йиғилиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисидаги ёзма хабар у ўтказиладиган санадан эътиборан йигирма бир кундан кечиктирмай юборилади.

26. ЎзРВБ тафтиш комиссиясининг ёки ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ЎзРВБнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этади.

28. ЎзРВБ Кузатув кенгаши ЎзРВБ тафтиш комиссияси ёки ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

29. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

31. ЎзРВБ тафтиш комиссияси ёки ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида ЎзРВБ Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

32. ЎзРВБ тафтиш комиссияси ёки ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада ЎзРВБнинг овоз берувчи акцияларининг беш фоизига эгалик қилмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

33. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай юборилади.

34. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

35. Агар ўттиз кун ичида ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда ёки мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилмаган сабаблар бўйича уни чақириш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилувчи шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Ушбу ҳолда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш харажатлари акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ЎзРВБ маблағлари ҳисобига қопланиши мумкин.

36. ЎзРВБ томонидан ЎзРВБ Кузатув кенгашнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ тартибда чақирилади.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ ҲАМДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

37. ЎзРВБ акциядорларининг (йиллик, навбатдан ташқари) умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

38. Вакиллар доимий ёки муайян муддатга тайинланган бўлишлари мумкин.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқи чекланади.

39. ЎзРВБ акциядори умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

40. Акциядорларнинг вакиллари акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган тартибда ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

41. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган пайтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

42. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган ЎзРВБ акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

43. ЎзРВБ акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган ЎзРВБ акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

44. ЎзРВБ акциядорларининг реестрига ўзгартиш киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

45. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ЎзРВБ акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, ЎзРВБ аудитори, ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва Ижроия органи, ЎзРВБ тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар (ЎзРВБ Кузатув кенгаши ва ЎзРВБ назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодларни ҳам таклиф этиш тавсия этилади).

46. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги хабарда кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

47. ЎзРВБ акциядорлари реестрига биноан 5-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва ЎзРВБнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

48. Агар ЎзРВБ акциялари бир неча шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлса, у ҳолда акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бўйича ваколат уларнинг хоҳиши бўйича умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири томонидан ёхуд уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бирининг ваколати зарур тарзда расмийлаштирилиши керак.

ЎзРВБ акциядорлари, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда ўзларининг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишлари мумкин.

VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

49. Агар акциядорларнинг (йиллик, навбатдан ташқари) умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда ЎзРВБнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

50. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

51. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган умумий йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш

тугалланган пайтда ЎзРВБнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

52. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

53. Қуйидагилар акциядорлар умумий йиғилиши ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси.

54. Акциядорлар умумий йиғилиши раёсати умумий йиғилиш раиси ва котибидан иборат бўлади. ЎзРВБ Кузатув кенгаши раиси лавозимига кўра акциядорлар умумий йиғилиши раёсатига киради.Акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби акциядорлар умумий йиғилишида сайланади.

55. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилишга бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

56. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, акциядорлар умумий йиғилиши ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

57. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

58. Овозларни санаб чиқиш, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

59. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак.

Шу билан бирга, саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиши мумкин (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси).

60. Саноқ комиссияси таркибига ЎзРВБ кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, ЎзРВБ Бош директори, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

61. Саноқ комиссияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш кўрувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади.

62. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан саноқ

комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

63. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқ комиссияси ЎзРВБ Кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:

акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради, берилган бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

64. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;

ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюлетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;

акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

65. Таркиби бўлиб ўтаётган ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши давомида тасдиқланган саноқ комиссияси:

акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

овоз бериш якунлари тўғрисида баён тузади;

овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиши мумкин.

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

66. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ белгиланади.

67. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган умумий йиғилиш раёсати таркибини тасдиқлаш бўйича овоз бериш қонунчилик билан белгиланган тартибда ўтказилади.

68. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

69. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни умумий йиғилиш раиси муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош мезон асосида, ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, яккабошчилик билан ҳал этади.

70. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар. Умумий йиғилиш котиби йиғилиш кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш истагини билдирганларнинг ёзма мурожаатлари бўйича рўйхатни тузади ҳамда йиғилиш жараёнини баённга солади.

71. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин йиғилиш раиси акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ, деб эълон қилади.

72. ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кун ичида икки нусхада тузилади.

73. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасида:

акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

ЎзРВБнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони, сайланган кузатув кенгаши аъзоси қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

74. ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

75. Саноқ комиссиясининг баённлари акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилиши керак.

76. Акциядорлар умумий йиғилишининг баёни имзолангандан кейин котиб йиғилиш ҳужжатлари қаторида акциядорларни қайд этиш рўйхати, муҳрланган овоз бериш бюллетенлари, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш якунлари тўғрисида баённома ва акциядорларнинг умумий йиғилиши баёнини сақлаш учун ЎзРВБ архивига топширади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ

77. Овозга қўйилган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ЎзРВБнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

78. 10-банднинг а), б), в), д), н) с) - кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

79. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

80. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

81. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни ЎзРВБнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно.

82. Овоз бериш бюллетени (6-илова) умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

ЎзРВБ акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган акциядорга (унинг вакилига) ўз ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олишга имконият яратиб беради.

83. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома (7-илова) тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига "_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича "____" _____ да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

84. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш “ЎзРВБнинг бир овоз берувчи акцияси - битта овоз” мезони бўйича амалга оширилади (ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаши бўйича кумулятив овоз бериш ҳоллари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно).

85. Овоз бериш бюллетенлари орқали амалга ошириладиган овоз беришда овозлар овоз берувчиларга овоз беришнинг эҳтимол тутилган вариантларидан фақат биттаси қолдирилган масалалар бўйича ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган талаб бузилган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ундаги мавжуд масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

86. Агар овоз бериш бюллетенида овоз беришга қўйилган бир неча масала мавжуд бўлса, юқорида кўрсатилган талаб бир ёки бир неча масалага нисбатан риоя қилинмаслиги овоз бериш бюллетенининг умуман ҳақиқий эмаслиги тан олинишига олиб келмайди.

87. ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Биржа акциядорлари эътиборига етказилади.

88. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, ЎзРВБ Кузатув кенгаши амалга оширади.

89. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга 1-Илова

ХАБАРНОМА

Ҳурматли _____,

Ушбу билан Сизга акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилиши _____ йил ___ _____ куни соат _____ да, _____ жойлашган _____ биносида ўтказилишини маълум қиламиз.

ЎзРВБ акциядорларининг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорлар реестри _____ йил ___ _____ҳолатига кўра тасдиқланган.

ЎзРВБ акциядорларининг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришингиз учун қуйидаги материалларни юбормоқдамиз:

1. _____
2. _____
3. _____

ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш имкониятингиз бўлмаган тақдирда, йиғилишга ваколатли вакилингизни ишончнома билан юборишингизни сўраймиз.

Ёнингизда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки вакилингиз иштирок этадиган бўлса, йиғилишга ваколатли вакилингизни ишончномаси бўлиши сўралади.

Илова**:** ____ варақ.

ЎзРВБ Ижроия органи _____.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
2-Илова

(Ташкилотнинг расмий бланкида)

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ

Акциядор _____нинг
акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги таклифи

Талабнинг мазмуни (таклиф)

_____
_____
_____
_____

Жами акциялар сони_____

Акциядорнинг Ф.И.Ш. _____ _____
(имзо,сана)

“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
3-Илова

(Ташкилотнинг расмий бланкида)

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ

Акциядор_____нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги талаби

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг сабаби)

_____
_____
_____
_____

Жами акциялар сони _____

Акциядорнинг Ф.И.Ш. _____ _____
(имзо, сана)

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга 4-Илова

ЎзРВБ Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш ТАРТИБИ

1. Мазкур тартиб ЎзРВБни бошқаришда қатнашиш, ЎзРВБнинг жорий фаолиятини унча яхши билмай ва ноҳалол бошқариш сабабли унинг манфаатларига зарар етказмаслик юзасидан унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда акциядорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЎзРВБ Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш учун қуйидагилар асос бўлади:

Кузатув кенгаши қарори;

ЎзРВБ тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг ёзма талаби;

талаб қўйилаётган санада ЎзРВБнинг камида беш фоиз овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби.

3. Қуйида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаби ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига, ЎзРВБ уставига, акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;

ЎзРВБга зарар келтирганлик, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан, молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви ва фойданинг камайиб кетиши;

ЎзРВБнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги барқарор қарздорлик.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгашига берилади ва унда аниқ сабаблар ҳамда уларнинг асослилиги кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар бўлиши лозим.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш масалаларини йиғилиш кун тартибига киритиш ишлаб турган Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан

олдин тўхтатиш тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилгандан сўнггина умумий йиғилишда амалга оширилади.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар)дан тушган ҳолларда унда унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилиш чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) бўлиши керак.

8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9. Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас ва Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай уни чақиришни таъминлашга ёки талабнома тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида уни чақиришни рад этиш тўғрисида асосли жавоб беришга мажбурдир.

10. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

11. Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

12. Агар белгиланган муддатлар давомида Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
5-Илова

“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
_____йил _____ да ўтказиладиган

Умумий йиғилишининг
қайд қилиш рўйхати

Т/р	Акциядор номи	Манзил	Овоз берувчи акциялар сони	(вакил бор бўлса, тўлдирилади)				
				Вакилнинг фамилияси, исми, шарифи	Ишончнома ёки бошқа ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат рақами	Ишончнома ёки бошқа ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	5	6	7	8	9	10

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган қатнашчилари ___ киши, овоз берувчилар _____.

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____%.

Саноқ комиссияси аъзоларининг имзолари:

“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
6- Илова

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ (ЎзРВБ) АКЦИЯДОРЛАРНИНГ (ЙИЛЛИК/НАВБАТДАН ТАШҚАРИ) УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН ЎзРВББНИНГ ____ ТА ОВОЗ БЕРУВЧИ АКЦИЯЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛУВЧИ АКЦИЯДОРНИНГ _____ - СОНЛИ БЮЛЛЕТЕНИ

Йиғилиш ўтказилган сана: _____ йил “____” _____.
Йиғилиш ўтказилган вақт: соат _____
Йиғилиш ўтказилган жой: _____.

Т/р	**Кун тартибидаги масала**	**Ёқлай-ман**	**Қарши-ман**	**Бетараф-ман**
1.				
2.				
3.				
4.				

_____
(Ф.И.Ш., имзо)

Қайд этиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади: ____-сон

Белгилаш намунаси √

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга 7- Илова

(Ташкилотнинг расмий бланкида)

ИШОНЧНОМА №____

Берилган санаси: “___” _____ йил. _____ ш.

_____ ушбу Ишончнома орқали
(юридик шахснинг номи)

_____
(юридик шахснинг номи, вакилнинг лавозими, фамилияси, исми шарифи, паспорт маълумотлари)

Ўзбекистон республика валюта биржаси акциядорларининг йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилишларида _____ номидан иштирок этиш ва
(юридик шахснинг номи)

акциядор сифатида _____ тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш
(юридик шахснинг номи)

ваколатини беради. Вакил йиғилишга доир барча ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга.

Акциядорнинг манзили:	Вакилнинг манзили:
_____	_____
Банк реквизитлари:	Паспорт серияси ___ №_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
Берилган _____	Берилган _____

Мазкур ишончнома 20___ йил _____ дан 20___ йил _____гача амал қилади.

Вакилнинг имзосини тасдиқлайман: _____

Раҳбарнинг имзоси _____